

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК
ИНСТИТУТИ**



**“РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ИЖТИМОЙ
ҲИМОЯЛАШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ”
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
(ОНЛАЙН) АНЖУМАН
МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ**

26-27 апрель 2021 йил, Андижон



Андижон - 2021

УЎК: 56732(175:01)

КБК: 6856.221.32

“Рақамли иқтисодиёт шароитида ижтимоий ҳимоялаш механизмини такомиллаштириш” Республика илмий-амалий (онлайн) анжумани илмий мақолалар ва материаллари тўплами. – Андижон. АндМИ, 2021 й.

Мазкур тўпланда мамлакатимиз олимлари ва амалиётчиларининг “Рақамли иқтисодиёт шароитида ижтимоий ҳимоялаш механизмини такомиллаштириш” масалаларига бағишланган илмий мақола ва маърузалари умумлаштирилган.

Тўпланим 2021 йил 26-27 апрель кунлари Андижон машинасозлик институти томонидан ўтказилган “Рақамли иқтисодиёт шароитида ижтимоий ҳимоялаш механизмини такомиллаштириш” мавзусидаги Республика илмий-амалий (онлайн) анжумани материаллари асосида тузилган.

Анжумани материаллари тўплами профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар, тадқиқотчилар ва талабалар учун мўлжалланган.

**Масъул муҳаррир
Тахрир ҳайъати:**

и.ф.н., доцент С.М.Аъзамов
и.ф.н., доцент Д.Исроилова
т.ф.н., доцент М.Юсупов
т.ф.н., доцент М.Каримова
и.ф.н., доцент Н.Х.Халилов
Б.Абдукаримов

Тақризчилар

и.ф.д., профессор Қ.Ҳ.Муфтайдинов
и.ф.д., профессор И.Умаров

Мазкур тўпланимга киритилган материалларнинг мазмуни, ундаги статистик маълумотлар ва меъёрий ҳужжатлар санасининг тўғрилигига ҳамда танқидий фикр-мулоҳазаларга муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

А.И.Мухаммадислом	фойдаланиш самарадорлиги таҳлили.	
В.Г.Абдукаримов, У.А.Холбеков	Soliq tizimini isloh qilishda soliq yig'uvchilarni rag'batlantirishning avzalligi.	179
А.А.Сотвoldiev, А.Ш.Холдаров	Kichik biznesni rivojlantirishning investitsion-huquqiy masalalari.	181
М.М.Мухтаров, С.О.Шокирова	Способы повышения эффективности привлечения и использования долгосрочных инвестиций.	183
М.М.Мухтаров, М.А.Акбаров	Рақамли иқтисодиёт шароитида инновацияни кўллашнинг хориж тажрибалари.	186
С.Юлдашева	Предпосылки перехода на мсфо и их использование для малого и среднего бизнеса.	188
А.Абдусаматов, Ш.Абдуг'офуров	Korxonalarda rahbar va mutaxassislarning zahirasini shakllantirish masalalari.	192
3-шўба: Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда ижтимоий-гуманитар ва техник фанларнинг роли.		
S.Sh.Ro'zimatov	Raqamli iqtisodiyot tizimida axborot va tehnologik jarayonlarning ahamiyati.	195
О.Х.Пўлатова	Талабаларини самарали мулоқотга тайёрлашга педагогик мулоқотнинг аҳамияти.	197
Ф.С.Таляқова	Тадбиркорликнинг маънавий-маданий асослари.	201
С.М.Аъзамов, Н.Т.Сафина	Необходимость геймификации образовательного процесса.	204
D.B.Ahmadaliyeva	Iqtisodiy ta'lim jarayonida interfaol usullarni qo'llanilishi.	207
З.Анваржонова	Рақамли иқтисодиётнинг ўзбекистон республикаси иқтисодиётидаги ўрни.	210
Д.А.Ийманова, И.М.Акрамов	Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича ислохотлар.	214
А.А.Сатвалдиев	Раҳбарнинг касбий маҳорати.	217
А.А.Сатвалдиев	Раҳбар хотин-қизларнинг шахсий ва ижтимоий психологик жиҳатлари.	219
Б.Б.Якубова	Мустақил фикрлашнинг ўсишига таъсир этувчи омиллар.	221
Д.С.Рахмонова	Бўлажак педагогларнинг касбий компетентлигини шакллантиришда ижодий фаолиятнинг ўрни.	223
М.А.Каримова	Маърифат йўли оиладан бошланади.	227
Н.Қурбанова, Б.Солиев	Миллий ғоя – тарихан шаклланган ғоя.	229
М.Қ.Тўланов	Кадрлар билан ишлашда хориж тажрибаларидан фойдаланишнинг ўрни ва	232

қўрқишади. Респондентларнинг қолган тенг ярми барча раҳбарларга хос бўлган эҳтиёткорлик, зийраклик, шошмасдан ўйлаб мулоҳаза юритиш, жиддийлик, атрофга эътиборлилик каби сифатларни ўзларида мавжудлигини тан олганлар. Демак, замонавий аёл раҳбарлар ҳам эркакларга хос, деб эътироф этилган сифатларнинг ўзларида мавжудлигини билишади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга курашимиз. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.-491 б.
2. Ўзбекистон Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони // Халқ сўзи, 2017. 8 февраль.
3. Каримова В.М., Ҳайитов О.Э. Маъмурий бошқарув органлари раҳбарларининг лавозимига лойиқлигини баҳолашга оид тест ва методикалар тўплами. Методик қўлланма.// Проф. В. Каримованинг умумий таҳрири остида.- Т.: “Fan va technology” нашриёти, 2008 – 64 б.

РАҲБАР ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ШАХСИЙ ВА ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ.

Сатвалдиев Азизжон Ахмаджанович - Андижон машинасозлик институти “Гуманитар фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида хотин-қизлар бандлиги масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Хотин-қизларнинг 45 фоизидан зиёди бугун миллий иқтисодий тизимнинг турли тармоқларида фаолият юритиб келмоқдалар. Уларнинг ишлаш, меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитлар мавжуд ва меҳнат қилиш ҳуқуқлари қонунларимиз орқали қафолатлангандир. 2008 йилда жами меҳнатга лаёқатли аҳолининг 43,8 фоизини хотин-қизлар ташкил этди. Юртимизда ҳар йили аҳоли учун минглаб янги иш ўринлари яратилиб, уларнинг 40 фоизини хотин-қизлар эгалламоқдалар.

Иқтисодийнинг реал секторида фаолият юритаётган мутахассис кадрлар, илмий ходимларнинг 38 фоизини ҳам хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг орасида академиклар, фан докторлари, профессорлар, фан номзодлари, катта ва етакчи илмий ходимлар сони ҳам йилдан йилда ортиб бормоқда. Раҳбарлар орасида илмий ва маориф соҳаларида етакчилик қилаётганлар миқдори ҳам ортиб бормоқдаки, бугун 20 дан зиёд олий ўқув юртларининг проректорлари, 34 нафар деканлар, салкам 400 яқин кафедра мудирлари аёллардир.

Раҳбар кадрлар етиштиришда олий ўқув юртларининг улуши сезиларлидир, шу боис ҳам қизларни олий маълумотли қилиб тарбиялаш, уларни бакалаврият ҳамда магистратура босқичидан кейин ҳам илмий изланишлар олиб боришга йўналтириш ўз самарасини бермоқда. Айниқса, педагогика олий ўқув юртлари, ижтимоий гуманитар ихтисосликларни

муваффақиятли тамомлаган қизлар келажакда халқ хўжалигининг турли соҳаларида раҳбар лавозимларида ишлашлари учун муҳим замин бўлмоқда. Агар педагогика олий ўқув юртлари талабаларининг 65 фоизи қизларни ташкил этса, бу рақам бошқа ижтимоий ихтисосликлар олий ўқув юртларида 56 фоизни ташкил этади. Бу рақамлар уларнинг келгусида турли соҳаларда ўзларини етакчи ва раҳбар қилиб намоён этишлари учун муҳим омил ҳисобланади.

Ўзбекистонлик хотин-қизларнинг иқтисодийнинг реал секторидаги иштироки ва уларнинг хизмат лавозимларида кўтарилишларига нисбатан муносабатларини ўрганиш учун 2000 йилларнинг бошида Республика “Ижтимоий фикр” жамоатчилик маркази томонидан социологик сўров ўтказилган. Унда 18 ёшдан 55 ёшгача бўлган хотин-қизлар иштирок этишган. Биз маълумотлар орасида хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолияти ҳамда раҳбарликка, хизмат лавозимларига ўсишга муносабатларига алоқадор рақамларни алоҳида ўрганилди. Маълум бўлишича, иштирокчиларнинг 45,4 фоизи хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирганлар. Ушбу фаолият турини ўзларига маъқул деганларнинг ҳаммаси ҳам келажакда раҳбар бўлишни истамайди, яъни, хизмат пиллапоясида ўсишга нисбатан ижобий муносабат фақат ўша аёлларнинг 47,9 фоизи жавобларида қайд этилган. Айниқса, бу борада шаҳарлик ва қишлоқ аёллари фикрларида биров ўзига хослик бор: шаҳарликларнинг 52,1 фоизи ва қишлоқ аёлларининг 44,2 фоизигина тадбиркор бўлган билан юксак лавозимларда кейинчалик ишлашни ўйламайдилар. Бу ўринда респондент хотин-қизларнинг ёш хусусиятлари ҳам муайян даражада роль ўйнадимикан, деган саволга шундай жавоб олиндики, масалан, 20-24 ёшлар оралиғидаги хотин-қизларнинг салкам 58 фоизи раҳбарликни тасаввур қилса, 24-29 ёшлиларнинг фикри ҳам деярли уларга яқин – 59,7%, лекин ҳали турмушга чиқмаган хотин-қизларнинг 61 фоизи келажакда карьера қилишни орзу қилади. Демак, ҳали оила ташвишлари бошида тушмаган қизларда раҳбарликка интилиш, оилаларниқига нисбатан кучлироқ намоён бўлади.

Профессионал мақомининг ўсишини хоҳлаган хотин-қизларнинг маълумоти даражасига эътибор берсак, бевосита тадбиркорликни бошлаган хотин-қизларнинг 60 фоизи, соғлиқни сақлаш соҳасидагиларнинг 66 фоизи ва ҳозирда ўрта бўғинда у ёки бу раҳбарлик ишларида машғулларнинг 70,6 фоизи карьерага интилади. Лекин ушбу танловдагиларнинг 41,9 фоизи хизмат лавозимида кўтарилишга тўсиклик қилувчи омиллар мавжудлигини эътироф этганлар. Биз ушбу ҳолатларнинг хотин-қизлардаги иқтисодий мустақилликка интилишлари билан боғлиқмикан, деган масала билан боғлаганимизда, сўровда қатнашган хотин-қизларнинг 68,2 фоизи замонавий аёл иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлиши керак, деган фикрни маъқуллайди. Фақат 24,4 фоизгина хотин-қизлар бундай мустақилликни шарт эмас, деб ҳисоблайди, 7,4 фоизи эса бу борада ҳеч қандай фикрга эга эмас. Бу масалада ҳам шаҳарлик хотин-қизлар қишлоқ аёлларидан биров янгича фикрга эга, яъни, респондентларнинг шаҳарда яшайдиганлари (71,6%) қишлоқда

яшайдиган дугоналарига нисбатан (65,1%) хотин-қизлар учун иқтисодий мустақиллик шарт, деб ўйлайдилар. Лекин аслида ҳаётда бундай эмаслигини эътироф этганлар, чунки сўралганларнинг 39,2 фоизигина айти пайтда ўзларини иқтисодий жиҳатдан мустақил, деб баҳолаганлар, 53,7 фоизи эса бунинг аксини эътироф этган, 7,1 фоизнинг ушбу масалада ўз қараши йўқ.

Жамоатчилик маркази томонидан ўтказган социологик сўровнома аксарият хотин-қизларимизда тадбиркорлик фаолияти ва бу борада шахсий ва профессионал ўсишга нисбатан муайян ижобий установкалар шаклланаётганлигидан, бу борада ижтимоий фикрда ижобий тенденциялар мавжудлигидан дарак беради. Албатта, бунда уларнинг тадбиркорлик ҳамда бошқа соҳадаги фаолиятлари, оиладаги ўринлари ва мавқелари масаласи билан нечоқли муваффақиятли уйғунлашуви муҳим эканлиги алоҳида аҳамият касб этади. Бизнинг фикримизча, хотин-қизларнинг турли жабҳаларда, жумладан, тадбиркорлик соҳасида эришган ва эришаётган муваффақиятлари уларда бошқарув борасидаги интилишлари учун объектив заминдирки, агар ушбу интилиш шахсий фазилатлар ва профессионал маҳорат билан уйғунлашса, аёл раҳбар сифатида ўзи психологик жинсидан катъий назар эркаклар билан рақобат муҳитида ўз ўрнини топади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.-491 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси .. / Ўзбекистон Миллий Ахборот Агентлиги .. 20.01. Февраль 2020.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги 327-сонли Қонуни. 2012 йил 26 апрель.

МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШНИНГ ЎСИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР.

Яқубова Барно Бахтиёровна - Андижон машинасозлик институти “Гуманитар фанлар” фанлар кафедраси ассистенти

Бугунги XXI аср – ахборотлар асри, глобаллашув жараёнларининг мисли кўрилмаган даражада тезлашуви ва юксак технологиялар замонидир. Шундай мураккаб замонда инсоният ҳар қадамда хушёр бўлмаса, мустақил фикрлаш маданияти шаклланмаган бўлса, унинг ўзи кашф этган техник янгилик нафақат фойда, балки зарар ҳам келтириши мумкин.

Бу фикрлар айнан компьютер, Интернет ва ундан фойдаланиш масаласига тегишлидир. Ҳозирда мактаб ёшидаги болалар Интернетдан тобора эрта фойдаланишга интилмоқда. Бироқ мутахассисларнинг фикрига кўра ўн ёшга етмаган бола мустақил равишда Интернетдан фойдаланиш учун зарур бўлган танқидий-таҳлилий фикрлаш ва шу асосида маълумотларни фарқлай олиш,